



Белграднинг фатх этилиши

927-хижрий йил Рамазон ойининг 26-куни (1521 йил 29 август), Султон Сулаймон кўмондонлигидаги турк кўшинлари икки ойлик камалдан сўнг Белградни кўлга киритдилар. Бу шаҳар Венгрия Кириллигининг энг муҳим калъаси бўлиб, Марказий Европага дарвоза бўлганлиги учун катта стратегик аҳамиятга эга эди. Белграднинг туркларга ўтиши католик дунёсида огир таассурот қолдирди. Кўп ўтмай бутун Европа Белградни кўлга киритиш Сулаймон остида ўз кучининг чўккисига етган Усманийлар салатанти учун янги галабаларнинг бошланиши эканини англаб етди. 1520 йилнинг кузида отаси Салим I вафотидан сўнг унинг 26 ёшли ўғли Сулаймон Султон бўлди. У тахтга чиққач, Габсбурглар империяси таркибига кирувчи Венгрияга қарши

курашни давом эттиришга қарор қилди. Бу вақтда у ерда Кирил Луис II ҳукмронлик қилиб, унинг даврида Усманийлар салтанати билан муносабатлар ёмонлашди: Туркия-Венгрия чегарасида ҳар хил тартибсизликлар ва тўқнашувлар рўй берарди. Сулаймон чегара ҳудудларидаги анархияга барҳам беришга қарор қилди, провокацияларни тўхтатиш ва ҳаёт тўлаш талаби билан ўз элчисини қиролга юборди. Ёш Луиснинг атрофидаги баронлар нафакат турклар билан музокараларни рад этди, балки султоннинг вакилини ўлдирди ҳам. Бу венгерларга қарши ҳарбий амалиётларнинг бошланиши сабаб бўлди. 1521 йилнинг майида шахсан Сулаймон ўз қўшинлари билан Истанбулни тарк этди.

Юришнинг бошида Румелиялик бейлербейи Аҳмад мустаҳкам Шабат қалъасини (1521 йил 7 июлда) қўлга олиб, Улуғ вазир Пири эса Землин шахрини эгаллади. Натижада Белградга йўл очилди. Чорасиз ҳимоядан сўнг йигирмадан ортиқ ҳужумга учраган шаҳар гарнизони таслим бўлди. 28 август куни қўйи шаҳар олинди ва 29 август куни музокаралардан сўнг бутун Белград таслим бўлди. Шаҳарни қўлга қиритишда саперлар катта рол ўйнашди. Улар шаҳар деворининг бир қисмини портлатишга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари, қалъа камал артиллериясидан оғир ўтга дучор бўлган. Раҳна ҳосил бўлгач, унга турк қўшинининг элитаси – яничарлар бостириб қирди. Таслим бўлиш шартларига қўра, мадьярлар гарнизони Венгрияга жўнатиб юборилди. Белград православ аҳолисига қелсак, камал пайтида улар Венгер гарнизонига қарши исён қўтариб, «католик мадьяр ҳукмронлигидан қўра мусулмон турклар ҳукмронлиги остида» яшашни афзал деб ўз ҳаракатларини тушунтиргани диққатга сазовордир. Уларнинг ёрдами ва ҳайрихоҳлиги учун белградликларга муқофот сифатида, Сулаймон насроний Авлиё Параскева қолдиқларини йўқ қилиб ташламасдан, Сербия православ руҳонийларига берди. Белград аҳолисининг баъзилари ҳатто Истанбул атрофида қўчиб ўтишди, бу ерда уларга Усманийлар империясининг пойтахтини сув билан таъминлаш топширилди. Бу ҳақиқат топонимияда акс этган – серблар яшаган қишлоқ Белиград-махалла деб аталган. Бундан ташқари, қўлаб серб денгизчилари Султон хизматига ўтиб, Усманийлар флотининг денгиз қучлари сафига қўшилдилар. Турклар ҳукмронлиги остида Белград гуллаб-яшнади, чунки у Европа ва Осиё ўртасидаги кенг бозорга айланди. Бундан ташқари, шаҳар йирик ҳарбий базага айланиб, у ердан Европанинг бошқа мамлакатларига бостириб қириш амалга оширилган. Белград қулаганидан беш йил ўтиб, Мохач жанги бўлиб ўтди ва унда Султон Сулаймон Бирлашган Венгрия-Чехия-Хорватия армиясига қашатқич мағлубият қелтирди. Ғалабага эриги икки соат ичида эришилди. Бу ерда Усманийлар империясининг Болкон мулкларидан мусулмон славянлар катта рол ўйнади. Мохач жанги туркларнинг бутун Марказий Европани босиб олишлари учун кенг имкониятлар очиб берди. Европанинг юраги - Ўрта Дунай текислигини ўз мулкларига қўшиб олган Усманийлар империяси уни Ислоннинг янада тарқалиши ва янги ҳудудларни босиб олиши учун трамплинга айлантирди.

Абу Муслим таржимаси